

ҚОРАҚАЛПОҚ ХУЖЖАТЛИ КИНОСИДА МАВЗУ ВА ЖАНР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ



Азиз Аскарлов

Уқтувчи

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини нукус филиали

DOI: <https://doi.org/10.37547/ssa-V5-01-20>

Аннотация: Ушбу мақолада Қорақалпоқ хужжатли фильмларининг мавзу, жанр, ғоя ва услуб жихатларидан турфа хиллиги таҳлил қилинади. Айниқса, Орол денгизи муаммоси, қорақалпоқ халқининг миллий кадриятлари ва санъати акс эттирилган фильмларга алоҳида эътибор қаратилади. "Орол қандай эди!?", "Жиров" ва "Қудук" фильмлари мисолида Қорақалпоқ хужжатли киноларининг бадиий ва тасвирий ифода воситалари, уларнинг поэтик хусусиятлари ёритиб берилади. Шунингдек, мақолада хужжатли фильмларнинг ижтимоий аҳамияти ва уларнинг миллий маданиятни тарғиб этишдаги ўрни таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Қорақалпоқ хужжатли киноси, Орол муаммоси, миллий кадриятлар, жиров санъати, хужжатли фильм услуби.

Аннотация: В данной статье анализируется разнообразие тем, жанров, идей и стиля каракалпакских документальных фильмов. Особое внимание уделяется фильмам, в которых отражены проблемы Аральского моря, национальные ценности и искусство каракалпакского народа. На примере фильмов «Каким был Арал!?!», «Жиров» и «Кудук» рассматриваются художественные и визуальные выразительные средства каракалпакского документального кино, а также их поэтические особенности. Кроме того, в статье анализируется социальная значимость документальных фильмов и их роль в продвижении национальной культуры.

Ключевые слова: Каракалпакское документальное кино, проблема Арала, национальные ценности, искусство жиров, стиль документального фильма.

Abstract: This article analyzes the diversity of themes, genres, ideas, and styles in Karakalpak documentary films. Special attention is given to films that depict the issues of the Aral Sea, national values, and the art of the Karakalpak people. Using the films What Was the Aral Like!?, Jirov, and Kuduk as examples, the article examines the artistic and visual expression in Karakalpak documentary cinema, as well as its poetic characteristics. Additionally, the article discusses the social significance of documentary films and their role in promoting national culture.

Keywords: Karakalpak documentary cinema, Aral Sea problem, national values, Jirov art, documentary film style.

Қорақалпоқ хужжатли фильмлари мавзу, жанр, ғоя, услуб жихатларидан турли-туман. Улар орасида глобал, ижтимоий ва маиший мавзулар, Қорақалпоғистон тарихида ўчмас из қолдирган тарихий шахслар, жамиятда ўз ўрнига эга бўлган турли касб эгалари ҳақидаги фильм-портретлар, қорақалпоқ халқи маданияти, анъаналари, урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар учрайди.

Қорақалпоғистон хужжатли киносининг ўзига хослиги шундаки, унинг асосий мавзуси Орол денгизи муаммоси ҳамда миллий маданият ва анъаналар билан чамбарчас боғлиқдир. Қорақалпоқ халқи бевосита Орол бўйларида истиқомат қилиб келаётгани боис киноижодкорлар Орол денгизи билан боғлиқ глобал муаммога кўпроқ эътибор қаратиб келмоқдалар. Мазкур мавзуда бир неча фильмлар суратга олинди. Улар орасида 1997 йили

ишланган “Орол қандайин эди!?” номли ҳужжатли фильм тарихий ва инфор­мацион характери билан ажралиб туради.

Ушбу ҳужжатли фильм 20 дақиқадан иборат бўлиб, унинг 80 фоиздан ор­тиқроқ қисми хроникал кадрларга қурилган. Фильмда фақатгина кадр ор­тидаги матндан фойдаланилган. Сценарий муаллифи О.Абдирахманов Орол ден­гизи тарихи ва бугуни билан боғлиқ асосий маълумотларни ҳиссий-эмоционал бўёқ берилган сўзлар билан уйғунлашти­ра олган. Таъкидлаш лозимки, мазкур жиҳат жонли ва хроникал кадрлардан иборат фильмга ўзига хос поэтик руҳият бахш этган. Бунда, албатта, ушбу фильмнинг режис­сёри Т.Қалимбетовнинг услуги ҳам катта аҳамиятга эга. Аслида Т.Қалимбетовнинг деярли барча ҳужжатли картиналари поэтик хусусияти билан ажралиб туради.

Фильмнинг дастлабки эпизодларида операторлар В.Аллами­яров, Б.Мадияров суратга олган жонли кадрлари орқали денгизнинг кўламини кўрсатишга муваф­фак бўлганлар, айниқса, чайқалиб турган қайиқ устида денгиздан балиқ тортиш эпизоди балиқчиларнинг машаққатли ишини ҳаққоний тас­вирлаши билан бирга, денгиз одамларга қанчалик саҳийлик қилиб келганини ифода­лаган.

Ушбу фильмда пролетар тузумнинг пахтачилик сиёсати билан боғлиқ жабр-зулми ҳам эътибордан четда қолмаган. Фильм ижодкорлари Амударё ва Сирдарё сувининг кескин ка­майиши, оқибатда Орол денгизининг қуриб бораётгани сабаби сифатида айнан ўша тузумнинг сиёсатини очиқ-ойдин кўрсатган. Ўша давр ҳуку­матининг пахта планини бажариш мажбуриятини қўйиши туфайли ирригацион пала-партиш­ликка йўл қўйилди ва бу­нинг оқибати келажак авлодларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Сценарий муаллифи О.Абдирахманов ва режиссёр Т.Қалимбетов “Орол қандайин эди!?” номли ҳужжатли фильми орқали Орол фожеасига жамоатчиликнинг эътиборини қаратишга интилдилар. Пухта ишланган драматургия, бадий ва тас­вирий ифода воситалари, динамик монтаж фильмнинг томошавийлиги ва қим­матини оширган. Ижодкорларнинг изланишлари натижасида Орол тарихи ва бугуни ҳақидаги инфор­мацион характердаги қуруқ фактлардан иборат фильм эмас, жўшқинлик завқини ҳис этган, одамларга тўкин-сочинлик ва бахт-саодат ҳадя этган, бироқ энди умри поёнига етаётган инсон мисол тушқун ҳолатга келган денгизнинг фожеий тақ­дири ҳақида ҳикоя қилувчи асар юзага келган. Мазкур ҳужжатли фильмда инсон ман­фаати қандайин оғир вазиятларни келтириб чиқариши, оқибатини ўйламай қилинган иш ахийри инсоният фожеасига олиб келиши ҳақидаги ҳақиқат қарор топди.

Юртимиз мустақилликка эришгач, миллий ўзликни англаш, асрий анъаналар, тарихий урф-одатларни тиклаш ва тарғиб қилишга ҳуку­мат даражасида эътибор бериб келинмоқда. Ўтган асрнинг 90-йилларида санъатнинг барча турларида ижодкорлар ўз ижодига айнан шу нуқтаи назардан ёндаша бош­лади. Бу экран санъатида ҳам ўз аксини топди. Шу қаторда Қорақалпоғистон киноси ижодкорлари ҳужжатли фильмларда қорақалпоқ халқининг миллий кад­риятларини тараннум этишга катта аҳамият қаратиб келмоқда. 1997 йили суратга олинган “Жиров” ҳужжатли фильми шулар жумласига қиради. Унда авлоддан авлодга ўтиб келаётган жиров санъатининг ўзига хослиги, синоатли қирралари, халқ оғзаки ижодидаги ўрни хусусида сўз боради.

Сценарий муаллифлари А.Султанов, Т.Қалимбетов ва режиссёр Т.Қалимбетов мазкур фильмда жиров санъатининг қорақалпоғистонликлар турмуш-тарзи билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодиса эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурганлар. Фильмнинг бадий ва тасвирий ечимларида айнан шундай ёндашув яққол намоён бўлган.

Фильмда жиров санъатининг асосий чолғуси бўлмиш қўбизни тайёрлаш ва со­злаш ишларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилгани кадрли. Бунда оператор йирик ва макро планлар орқали қўбиз тайёрлаш ва со­злаш билан боғлиқ деталларни тас­вирлашга муваф­фак бўлган. Бу эса фильмнинг колоритига ижобий таъсир этган.

Фильм қаҳрамони Жумабай ўз интервьюсида жиров санъатининг бугунги авлод вакилларида катта қизиқиш уйғотмаётгани, оқибатда “устоз-шогирд” анъаналари бузилиб, халқ оғзаки ижодининг мазкур бетак­роп намунаси аста-секин йўқолиб кетиши ва

одамларнинг эсидан чиқиши хавфи юзага келганини қалбида оғриқ билан сўзлайди. Жиров санъати билан боғлиқ бу муаммо, Жумабай Базарбаевдан кейин унинг ижодини давом эттирадиган шоғирдлар йўқлиги ҳақиқатан томошабинни ўйга толдиради.

Бугунги кунда жиров санъатининг йўқолиб бораётгани ҳақида кўплаб тадқиқотчилар бонг урмоқдалар. Бундай интилиш ва ҳаракатлар зое кетмади. Сабаби, ЮНЕСКО мазкур муаммога ўз эътиборини қаратди. Натижада ушбу ташкилот томонидан айнан жиров санъатини сақлаш, тарғиб қилиш, кейинги авлодларга қолдириш бўйича махсус лойиҳа ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш мақсадида 2023 йили катта фольклор экспедицияси амалга оширилди. Албатта, бундай ноёб санъатга кенг жамоатчилик ўз эътиборини қаратса ҳамда уни сақлаб қолишга интилишлар кўпайса, жиров санъати унут бўлишига йўл кўйилмайди.

Фильмнинг муаллифлари ўз олдига қўйган мақсад ҳам асли шу. Улар жиров санъати қорақалпоқ халқининг азалий қадриятлари, турмуш-тарзи, анъаналарини ўзида акс эттириши, шу сабабли унга бўлган эътибор ва ёндашувни ижобий томонга ўзгартириш вақти келганини ҳаяжон билан таъкидлашга интиладилар. Шунинг учун ҳам фильм поэтик руҳияти билан ажралиб туради, унда жиров санъати образли хусусият билан суғорилган бўлиб, натижада ушбу санъат фильмнинг асосий қаҳрамони бўлиб экранда гавдаланган.

Ўзбекистон ҳужжатли киносида Д.Салимов, Ш.Маҳмудов, Б.Рамазонов ва бошқа ижодкорларнинг фаолиятида кўплаб тенденциялар ўз аксини топган. Улардан бири поэтик йўналишдаги ҳужжатли фильмларни суратга олиш бўлиб, бунда фильм сюжети бадиий кинодаги сингари махсус сахналаштирилган узлуксиз воқеалардан иборат ҳамда қаҳрамонлар диалогидан ва кадр ортидаги матндан ҳоли бўлади. Қорақалпоқ киноижодкорлари орасида Т.Қалимбетов мазкур йўналишдаги ижодий изланишларни амалга оширган ижодкор ҳисобланади.

“Кинорежиссёр Т.Қалимбетовнинг деярли барча фильмларида инсоннинг табиат билан алоқаси ўзининг образли далилини топади. Айнан табиат уни турли асарларни яратишга ундайди” [2; 9]. Бу ижодкор томонидан 2003 йили яратилган “Қудук” фильми ана шундай фильмлар сирасига киради. Т.Қалимбетов унинг сценарий муаллифи ва режиссёри саналади. “Режиссёр Оролнинг қуриши оқибатида ҳаёт учун энг зарур бўлган сувдан айрилган халқнинг тақдирини кўрсатиб беради. Кинокузатув услубидан ижодий фойдаланган ҳолда, оғир шароитларда ҳам инсон яшаш учун кураш олиб боришга қодир эканлигини кўрсата олган” [1; 27]. Унда қорақалпоқ ўлкасининг олис қишлоқларидан бирида бир оиланинг қудук қазишга ва шу орқали тоза сув олишга интилиши билан боғлиқ сюжет орқали ичимлик суви танқислиги муаммоси ҳақида жар солинади. Ҳужжатли фильм икки қисмдан иборат бўлиб, қудук қазиш жараёни фонида намоён бўлган узоқ ҳудудларда истиқомат қилувчи қорақалпоқ халқининг турмуш тарзи, интилишлари, ўй-хаёллари томошабин эътиборини ўзига жалб этади.

Фильм сюжетида ота, ўғил, келин, кичик қизалоқ ва чақалоқдан иборат оилани экранда гавдалантирган ижрочилар табиий хатти-ҳаракатлари билан қаҳрамонлар яшовчи муҳитни ҳаққоний ифодалай олганлар. Дастлаб чақалоқнинг чанқоғини қондириш мақсадида уйда сув излаб топа олмаган келин (А.Шарипова ижросида) узоқ йўл босиб, идишларда лойқа сув олиб келиши ва уни ўй шароитида тиндириши ҳужжатли фильм воқеаларига тугун ташлаган. Шундан сўнг оила ўз уйи олдига қудук қазишга қарор қилади. Воқеалар ривожига қудукдан сув чиқиши, қўни-қўшни сувдан татиб кўргач, унинг шўрлигидан туфлаб юбориши, шунга қарамай, оила сувнинг шўрини олиш мақсадида қуриган дарахт новдаларини қудук ичига териб чиқиши каби эпизодлар инсонлар нақадар қийин шароитда яшаса ҳам орзу-интилишдан тўхтамаслиги намоён бўлади. Бироқ шу ўринда ушбу ҳужжатли фильмни томоша қилган исталган томошабинни бир нарса ўйлантириш аниқ: кўплаб мамлакатларда ХХI асрда қанчадан-қанча технологик кашфиётлар амалга оширилаётган бир вақтда узоқ қишлоқларда яшаётган инсонлар оддий ичимлик сувига эга бўлиш мақсадида қудук қазиш иштиёқи билан истиқомат қилиши қайғуга солади.

Бу каби муаммолар ва воқеалар акс этган “Қудук” фильми Т.Қалимбетовнинг поэтик хужжатли кинони юзага келтириш йўлидаги энг ёрқин ижодий изланишларидан ҳисобланади. У оператор Р.Галиев билан ҳамкорликда фақат хатти-ҳаракатлар ва ишораларга қурилган фильмда қорақалпоқ халқининг пўлатдан ҳам қаттиқ сабри, ўз интилишлари йўлида собитлигини ёрқин характерлар ёрдамида кўрсатиб бера олган, рамзий деталлар, кадрлар фонидagi ўзига хослик ва табиий муҳит орқали эса миллий колорит ўз аксини топган.

Қорақалпоқ киноижодкорлари Қорақалпоғистон ҳудудида киностудия вужудга келтирилгандан то бугунги кунга қадар хужжатли фильмларни суратга олиш бўйича юксак иқтидор ва интилишларга эга эканлигини намоён этиб келмоқдалар. “Қорақалпоқфильм”нинг бир неча ўн йиллик тараққиёт йўлига назар ташланса, бу заминда хужжатли фильмларни яратиш ишлари вужудга келиши ва ривожланиши аста-секинлик билан кечгани аён бўлиб, бунда ҳам техник, ҳам бадиий жиҳатдан юксалиш кузатилади. Н.Давкараев, Б.Дилмуратов, Б.Базарбаев, Б.Музаффаров, А.Султонов, Т.Қалимбетов, М.Низанов, А.Асқаров ва бошқа ижодкорлар қорақалпоқ хужжатли киносининг ривож топишига катта ҳисса қўшдилар.

Киноижодкорлар ҳар бир хужжатли фильмни юзага чиқаришда қорақалпоқ халқи анъаналари, турмуш тарзи, характер хусусиятларини экранда акс эттириш, мазкур ҳудуднинг табиати, маиший манзаралари, ижтимоий муҳитини тасвирлаш орқали қорақалпоқ киносида миллий колоритни намоён этиш бўйича ижодий изланишларини амалга оширдилар ва ошириб келмоқдалар. Қорақалпоғистон юртига бевосита тегишли бўлган энг глобал муаммо – Орол денгизининг чекиниши билан боғлиқ масала қорақалпоқ киноижодкорларининг ҳам диққат-марказида бўлиб, бу ҳақда кўплаб хужжатли фильмлар яратилди. Уларда асосий эътибор Оролнинг қуриши сабабларидан кўра, оқибатларига қаратилди. Бунда инсонларнинг оғир яшаш шароити, халқ орасида вужудга келаётган жисмоний ва ақлий заифликлар, борган сари саҳрога айланаётган ҳудудлар ҳаётий ва ҳаққоний тарзда ўз ифодасини топди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абул-Касимова Х. Кинопублицистика нового времени // Документальное кино Узбекистана. Сб.статей. – Ташкент: Изд. журнала “San’at”, 2008.
2. Ахмедов Б. Кино Каракалпакстана: ступени зрелости. – Ташкент: Академия, 2011.
3. Ахмедов Б. История и современность в документальном кино Каракалпакии // Санъат. – Ташкент: 2011, №1.